



Ислом Нури

Мухаммад Шокир аш-Шариф

Шайх Абдуллох ибн Абдуррохман ал-Жибрин мукаддимаси

Бисмиллахи рохмани рохим

Барча оламлар роббиси, Ер ва Осмонларни тутиб тургувчи, барча махлуқлар ишини режалаштирувчи Аллох таъолога хамдлар бўлсин! Мен шериксиз, ягона, хакикий Молик- Аллох таъолодан ўзга илох йўқ хамда Мухаммад унинг бандаси, омонатли ва ростгўй пайгамбари деб гувоҳлик бераман. Аллох таъоло унга, унинг оиласи ва асхобларига салавот ва саломлар йўлласин!

Ушбу мавзу кейинги даврларда чиккан ва Ислом давлатларининг кўпларига ўрнашиб олган бир тоифа ва гуруҳ хакида баъзи олимлар ёзган даолзарб мавзудир. Бу тоифа-Ислом умматига бало ва офат бўлган, бироқ, ўз мақсадларини яширсада, Ислом дини ва таълимотларига нисбатан бўлган гина-адоватларини сездирган, шаръий жазолар, муомалалар ва ибодатлардан нафратланган, мақсадлари жирканч шахвоний манфаатлар бўлган, динни давлатдан ажратишга интилган, динни маҳкам ушлаган кишиларни колоклик, тургунлик ва тубанлик билан айблаётган «илмонийлар»дир. Шубҳасиз, бу тоифанинг Ислом умматига бўлган хатари, илк даврлардаги мунофиқлар ва бошқа адашган гуруҳларнинг хатаридан кўра хатарлироқдир.

Аллох таъоло муаллифга тавфик берсин! Чунки, у бу тоифанинг мақсадларини ва катта хатарларини очиб ташлади.

Мусулмон нажот йўлида юриши учун бу тоифадан эҳтиёт бўлиши, ўз



Ислом Нури

душманини таниши хамда улардан ўзи ва дўстларини узок килиши лозим...

Аллох таъоло тўғри йўлга хидоятловчи ва муваффақ килгучи зотдир...

Аллох таъоло пайгамбаримизга, унинг оиласи ва асхобларига салавот ва саломлар йўлласин!

Абдуллох ибн Абдуррахмон ал-Жибрин

Мукаддима

Аллох таъолога хамдлар, Аллохнинг элчиси Мухаммадга Аллохнинг салавот ва саломлари бўлсин!

Бизнинг Ислом уммати, бугунги кунда, ўзининг энг коронгу кунларини яшаб ўтмоқда. Чунки, у заиф ва хорлик холатига тушди. Унга яхудий, насроний ва бутпараст каби бахтикарлар ҳукмрон бўлдилар. Бунинг сабаби эса Аллох таъоло бизлар учун хидоят, тўғрилик ва зулматлардан нурга чиқиш килиб юборган динни лозим тутишдан узок бўлишдир.

Илк даврларда диндан узок бўлиш, мусулмонларнинг бир тоифасигагина чекланган бўлса, аста-аста ёйилиб, умматнинг кўп қисмига етиб борди. Илмонийликнинг расмий, фикрий ва матбуот даражасида ёйилишининг, диндан узоклашишни кучайтириш, ўрнатиш хамда хидоят ва такво манбаларига яна қайтадан қайтиш олдида тўсик бўлишда катта таъсири бўлди.

Шунинг учун хам ушбу **«Илмонийя ва (мусулмон давлатларидаги) унинг аччиқ самаралари»** номли мухтасар рисолаи ёздиқ. Шояд



Ислом Нури

ушбу рисола мусулмонларга илмоний даъват мохияти, манбалари, унинг динимизга бўлган хатари ва халокатли таъсирларини билиб олишларида ўз самараларини берса ва биз ўзимизни химоя қилиш, қаршилик кўрсатиш, илмоний даъватчиларнинг хатоларини очиб ташласа ва илмонийликни Аллох таъолонинг изни билан, бутунлай илдизи билан қурутишга шошилсак ҳамда ўз динимизга том маънода қайтсак ва бизга том маънодаги иззат қайтса.

(Иззат Аллох , Аллохнинг расули ва мўминларникидир).

Аллох таъолодан муваффақият, иршод ва хидоятни сўраймиз.

Мухаммад Шокир аш-Шариф
Маккайи Мукаррама шаҳри.

Илмонийя нима!

Бу савол қисқа бўлсада, узок ва очик жавобга мухтождир. Мусулмонлар бу тўғрида ишончли жавобни олишлари керак. Холбуки, бу тўғрида кўплаб китоблар ёзилган. Биз фақатгина билишимиз ва амал қилишимиз керак, холос.

Ўз саволимизга қайтамиз. Биз унинг тўғри жавобини излаш учун жонимизни қийнамаймиз. Чунки, илмонийя пайдо бўлган гарб мамлакатларида ёзилган комуслар, бизга бу тўғрида бахслар ва изланишлар олиб боришдан қифоя қилади. Инглиз комусида «илмонийя» сўзининг маъноси қуйидагича изоҳланган:

1. Дунёвий ёки моддий;
2. Диний бўлмаган ёки рухий бўлмаган;
3. Рахбонийлик эмас ёки роҳиблик эмас.



Ислом Нури

Яна, шу комуснинг ўзида «илмонийя» сўзини куйидагича шархланади: «илмонийя» – ахлоқ ва таълим диний асосга асосланмаслиги керак деб талкин килинган назариядир.

Буюк Британия маориф доирасида илмонийя хақида куйидагича фикр айтилганини кўрамиз:

«Илмонийя» – одамларни охиратга бўлган тушунчадан факатгина шу дунёга бўлган тушунчага ўтказиш учун интиладиган ижтимоий ҳаракатдир.

Буюк Британия маориф «илмонийя» хақида, дахрийлик хақида сўз юритиш мобайнида, бир сўз айтди. У дахрийликни икки қисмга бўлди:

- Назарий дахрийлик;
- Амалий дахрийлик.

У «илмонийя» ни амалий дахрийлик остига кўйди.

Юқорида зикр килинган нарсани икки нарсани ифодалайди:

Биринчидан: «илмонийя» динни дунёга таъсир беришдан ажратишга интиладиган куфрий оқимдир. У – дунёни барча сиёсий, ижтимоий, ахлоқий, қонуний ва бошқа тарафларида диний буйруқ ва таъқиқлардан узокда бошқариш учун интиладиган оқимдир.

Иккинчидан: «илмонийя»нинг илмга алоқаси йўқ.

Баъзи калтафаҳм кишилар одамларни : «илмонийя – тажрибий илмларга харислик ва унга аҳмият бериш» деб алдамоқчи бўладилар.



Ислом Нури

Аслида эса бу сўз, пайдо бўлган мухитида зикр килинган маъноларига кўра, алдов ва шубхадан бошқа нарса эмас.

Шунинг учун ҳам, «илмонийя» сўзининг маъноси: «худосизлик, дахрийлик» деб айтилса тўғрироқ ва маънода шубхалардан узоқроқ бўлар эди.

Илмонийя қандай пайдо бўлди?

Ўзининг колок диний мухитида колган насроний гарб «илмонийя» нинг пайдо бўлиб, ривожланиши учун унумдор мухит ва ватан бўлди. Франция ўзининг машхур инкилобидан сўнг, «илмоний» гоёлар асосига асосланган биринчи давлатни курди. Бунинг «илмоний» фикрдан пайдо бўлиши ва унга боғланиши (бундан ташқари диндан нафратланиш, динга ва диндорларга қарши бўлиш билан бирга динни ҳаётнинг ҳар-бир жабахасидан узоқлаштириш ва дахрийликни ўз ичига олишни кафолат-лаши) аслида ажабланарли иш эмас эди. Чунки, ўша кунлари гарбда ҳукмрон бўлган дин Аллоҳ таъоло ўз пайгамбари ва бандаси Йисо ибн Марям алайҳимас-саломга нозил қилган соф вахийни шаклламас эди. Балки, у динни хурофотчи ва уйдирмачилар бузиб, ўзгартишган; баъзи нарсаларни тушуриб, баъзи нарсаларни кўшишган эди. Бунинг натижасида эса, бу ўзгартилган дин бир вақтнинг ўзида, ҳам ўзгармас илмий ҳақиқатларга, ҳам одамларнинг дунёвий манфаатлари ва муомалаларига зид бўлиб колган эди.

Гарбда диндорликни шакллаган черков, ўзининг роҳиблари ва обидларининг қилган ўзгартишлари ва уйдирмалари билан кифояланма-ди. Балки, у ўзи шакллаётган динни қабул қилиш ва итоат этиш зарур бўлган динга айлантирди. Шунинг учун ҳам, черков сохта динга зид бўлган кашфиётлар қилган кашфиётчи ва ихтирочи



Ислом Нури

олимлар устидан махкамаларда даъво очар, уларни кофирлик ва дахрийликда айблаб, хохлаганини ўлдирар, хохлаганини гулханларда куйдирар ва хохлаганини зиндонларга ташлар эди.

Насроний динини шакллаган черков, бошка тарафдан золим подшоҳлар билан шарафсиз иттифок тузган эди. Черков подшоҳларни мукаддас авлиё ва маъсум килиб кўрсатар ҳамда уларга халклар устидан барча жиноятлар ва кабохатларни килишга имконият берар эди. Чунки, черков буни, ҳамма итоат этиши керак бўлган дин деб хаёл килар эди.

Шунинг учун ҳам, гарбдаги одамлар черковнинг зиндони ва тугёнидан кочиш учун панох излай бошладилар. Бирок, уларнинг ўша пайтдаги панохи илм-фанга карши курашаётган ва золимларга ёрдамчи бўлаётган динга карши чиқиш, уни хаётнинг барча иктисодий, сиёсий, илмий, ахлокий ва бошка майдонларидан узоклатиш ва кувиб чикришдан бошка нарса эмас эди.

Улар бу сохта диндан чикиб, Ислом динини қабул килсалар, қандай яхши бўлар эди. Лекин, улар бундай килмадилар. Балки, барча динларга карши жанг эълон килдилар.

Агар бунинг насроний гарбда бўлиши ажабланарли бўлмас экан, унинг Исломда бўлиши, балки, бўлишини тасаввур ҳам килиш мумкин эмас. Чунки, Аллох таъолонинг юборган вахийси ўзининг аввалги холатида турибди. Унга бирор нарсани кўшиш ёки ундан бирор нарсани олиб ташлаш мумкин эмас. Ислом шу вақтнинг ўзида хох хоким хох фуқаро бўлсин ҳеч кимга имтиёз бермайди. Балки, ҳамма Ислом шариати олдида тенг ҳуқуқлидир. Ислом одамларнинг хақикий манфаатларини химоя килади. Унда башарий манфаатларга зид



Ислом Нури

бўлган бирорта конун йўқдир. Ислом илму фанга харис бўлиб, уни ўрганишга рағбатлантиради. Исломда илмий хакикатларга зид бўлган бирон бир модда йўқ. Чунки, **Ислом хакикат, эзгулик ва адолат демакдир**. Шунинг учун ҳам, гарбда диндан нафратланиш ва динга карши бўлиш окибатида пайдо бўлган тушунча ва окимларнинг, агар режалаштирилган фикрий уруш харакатлари, шу вақтнинг ўзида иймон хакикатларидан холий калблар, соғлом фикрлай олмайдиган акллар ва маданият майдонида ўз холига ташлаб кўйилган дунёга шу харакатларнинг карши бўлиши бўлмаганида эди, мусулмон ўлкаларда вужудга келиши хеч ҳам мумкин эмас эди.

Араб ўлкаларида яшаган насороларнинг, илмоний фикрларни мусулмонлар ўлкаларига олиб келиш, таркатиш ва оммавий ахборот воситалари оркали ёйишда катта ва салмокли ўринлари бор. Шунингдек, гарб давлатларига замонавий илм-фанни ўрганиш учун кетган мусулмон ёшларнинг ҳам илмоний фикрларни мусулмонлар ўлкасига олиб келиш ва таркатишда катта хиссалари бор. Чунки, улар гарбда илмий тараккиётнинг юксалиш кўринишлари ҳамда белгилари билан таъсирландилар ва ўз юртларига кўрган одат, анъана, ижтимоий, сиёсий, иктисодий тузумларни ёйиш ва даъват этиш учун олиб келдилар. Шу вақтнинг ўзида, одамлар ҳам улардан бу фикрларни ; «Булар фойдали илм ва соғлом маърифат намояндалари» дея, яхши ният билан кабул килдилар. Жўнатилган ўкувчилар мамлакатларига кайтиш пайтида конган ва буюк хисоблаган одат, анъана ва тузумлар, аслида, динга алоқаси бўлган барча нарсани тарк этган жамиятнинг одатлари, анъаналари ва тузумлари эди.

Ушбу киска сатрлар илмонийянинг мусулмонлар диёрига кириб келишини кўрсатиши билан бирга бизларни икки ишдан огохлантиради:



Ислом Нури

Биринчи: насроний ва мусулмон ўлкаларда яшаётган бошқа эътиқоддаги кишиларнинг Ислом ва мусулмонлар учун катта хатари ҳамда макру хийлалари. Бу бизга улардан хушёр бўлишимиз, уларни Аллох таъоло кўйган макомга кўйишимиз, мусулмонлар ўлкаларида улар учун етакчилик ва рахбарлик ўринларини бермаслигимиз, ўзларининг захарларини халк, хусусан, мусулмонлар ўртасида ёймасликлари учун оммавий ахборот воситалари ва бошқа халк билан боғланиш йўллари тўсишимиз керак... буларни ким килади?! Ахир кўплаб тузумлар бу захарларни ёйишлари учун юкори мансабларни улар учун бериб кўйган бўлса!... биз учун Аллохнинг ўзи кифоя ва вакилдир!

Иккинчи: Исломий бўлмаган чет ўлкаларга мусулмонларни жўнатишнинг катта хатари. Чунки, у ерга кетган кўплаб мусулмонлар кетишдан аввал қилган мақсадлари ва қалбларидан бошқа мақсад ва бошқа қалб билан қайтдилар. Баъзи мусулмонларнинг табиий фанлардан билимини олиши учун боришлари жоиз бўлса, шариат ва араб тили илмларидан олий даражаларни олиш учун мусулмон бўлмаган ўлкаларга кетишни қандай баҳолаш мумкин?!

Араб тили уларнинг тилими, бизнинг тилимизми?! Қуръон Карим уларнинг тилида нозил бўлдики ёки бизнинг тилимиздами?!

Мусулмоннинг Ислом ва шариатнинг соғлом илмларини Ислом ва мусулмонларга ашаддий душман бўлган кишилардан олиши ақлга сизиши мумкинми?!

Рахбонийлик насронийлар тасаввурида, ўзлари ихтиро қилган ибодатдир. «рахбонийлик эмас» деб айтилган сўзнинг маъноси



«ибодат килувчи эмас» деганидир. Бу икки таърифнинг бир-бирига якинлиги ва ўхшашлигидир. Насронийлар мусулмонлар каби, роҳибликка бидъатдек карамайдилар. Балки, уни солом дин деб эътибор киладилар. Шунинг учун ҳам, «рахбонийлик эмас» деб айтиш бидъатни рад этиш эмас, балки, диндорлик ва ибодат килишни рад этиш деб тушунилиши керак.

Буюк Британия маориф доираси ва инглизча комусдан келтирилган кискартмаларни доктор Мухаммад Зайн ал-Ходийнинг « илмонийянинг пайдо бўлиши» китобидан иктибос килинди.